

Паст овозда зикр айтишнинг фазилати

Аввалига Шайх Зайниддин Хавофий (р.т.) силсиласида сулук киларди. Кўнглида жахр зикрига (баланд овозда зикр тушиш) мойиллик пайдо бўлибди. Бохарздан Хиротга келиб, комил шайх талабига тушибди. Унга Хожалар тарикатининг муршидларидан бўлмиш Хазрат Мавлоно Саъдиддин Кошгарийни тавсия килишибди. Сўраб-сўраб, шахар жомеъ масжидининг махалласига бориб, Кошгарий хазратлари эшигини топиб, бир лахза ташкарида кутиб турибди. Кўп ўтмай, Кошгарий хазратлари чикиб, у кишини уйга олиб кирибдилар. Ичкарида муридлари ҳам бор эди. Мавлоно Тожиддиннинг иззатини жойига кўйиб, бир муддат сухбатлашиб ўтиришибди. Сўз асносида Мавлоно сари бокиб, Кошгарий хазратлари дебдилар:

- Бу шахр подшохиниким Бобур дерлар, асли зохир оламининг подшохидир.

Муло-зимлардан бирики, унга кўп ихлоси бўлгай, хар куни эрталаб унга бокиб, густохлик билан баланд овозда «Бобур», «Бобур» деб бакириб-чакираверса, шохга хуш келарми?!

Мавлоно Тожиддиннинг зикри жахрга бўлган мойиллиги бутунлай бартараф бўлиб, Мавлоно Кошгарийга мурид тушиб, накшбандия тарикатида сулукка машгул бўлибди.